



ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАН МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март кuni бўлиб ўтган сайловда Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва етакчи компаниялар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.

Жумладан: Эрон Ислон Республикаси Президенти	— Ҳасан Рухоний
Бруней-Доруссалом Султони	— Ҳожи Ҳасанал Болкиях Муиззадин Ваъдауллоҳ
Молдова Республикаси Президенти	— Николай Тимофти
Япония «Сока Гаккай Интернешнл» будда ташкilotи президенти	— Дайсаку Икеда
«Корея газ корпорацияси» президенти ва бош ижрочи директори	— Жонг Хо Ли
«Лотте Групп» раиси	— Донг Бин Шин
«Самсунг Электроникс» компанияси президенти	— Сан Жин Пак
«Хитой миллий нефть-газ корпорацияси» директорлари кенгаши раиси	— Чжоу Цзипин
«Поли Текноложи Инк.» компанияси президенти	— Ван Лин
«Хуавей Текноложи Ко.Лтд» компанияси президенти	— Жэн Чжэнфэй
«Сасол Лимитед» президенти ва бош ижрочи директори	— Дэвид Констебл табрик йўллаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКИСТОН ТИНЧЛИГИ ЙЎЛИДА

бўтун халқимиз бир ёқадан бош
чиқариб ҳаракат қилиши лозим

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ОЛИЙ
МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИ ҚЎШМА
МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИДА
БИЛДИРИЛГАН ФИКРЛАР ХАЛҚИМИЗ
ТОМОНИДАН МАМНУНИЯТ БИЛАН
КУТИБ ОЛИНДИ. УЧРАШУВЛАР,
ДАВРА СУҲБАТЛАРИ,
МУЛОҚОТЛАРДА МАЗКУР НУТҚНИНГ
МАЗМУН-МОҲИЯТИ ЧУҚУР
ЎРГАНИЛМОҚДА.
ТАҲРИРИЯТИМИЗГА МУРОЖААТЛАР
БЎЛАЯПТИ. ПРЕЗИДЕНТ НУТҚИГА
ПАРТИЯМИЗ ФАОЛЛАРИ,
ДЕПУТАТЛАРИМИЗ, КЕНГ
ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ ЎЗ
МУНОСАБАТЛАРИНИ
БИЛДИРИШМОҚДА.

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ



Электрон тижорат

ишлаб чиқарувчига ҳам, истеъмолчига ҳам қулайлик яратади

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари барча соҳа ва тармоқларга шиддат билан кириб келмоқда. Чунки улар вақтни тежашга, турли англашилмовчилик, бюрократик тўсиқлардан қутулишга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, инсонга қулайлик яратмоқда. Эндилликда савдо-сотиқ ишларига қандай вақт ажратиш ҳақида ўйлаш,

керакли маҳсулотни қидириб овра бўлишга, бу ҳақда бош қотиришга ҳожат қолмаяпти. Бонси, қундан-қунга электрон тижорат ривожланыпти. Ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи, харидор ва истеъмолчиларга ўзига қулай вақтда, жой ва тезликда маҳсулотни сотиш, сотиб олиш имкониятлари очилмоқда. Электрон тижорат рав-

нақи иқтисодиёт юксалишида муҳим ўрин тутиши дунёда аллақачон исботини топган. Демак, юртимизда ҳам электрон тижорат ривожланиши учун янги ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий техник шароитлар яратиб бериш долзарб масала ҳисобланади.

► Давоми 2-бетда.

ЎЗХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

Мурожаатлар ортида ҳар доим электорат манфаати туради



Раимберган САБУРОВ,
ЎЗХДП Хоразм вилоят
кенгаши раиси,
халқ депутатлари вилоят
Кенгашидаги
партия гуруҳи раҳбари:

■ Ҳар бир сиёсий партия аҳолининг маълум бир қатлами, яъни электорат манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Бунинг учун партия ташкилотлари, депутатлар одамларни ўйлантираётган масалаларни яхши билиши, уларга ечим топишда қатъийлик кўрсатиши талаб этилади.

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари қошида фаолият юритаётган Жамоатчилик қабулхоналари электорат манфаатларини ўрганиш, аниқланган муаммоларнинг ечимини топишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Жумладан, ўтган беш йил давомида Жамоатчилик қабулхоналаримизга қарийб 2 минг нафар фуқаро мурожаат қилган. Мурожаатларнинг 80 фоизига иккунчи даражадаги қўғиш, қўғишларига тегишли ҳуқуқий масалалар берилган.

Биргина мисол келтирай, фуқаролар мурожаатлари асосида Янгиёриқ туман электр тармоқлари идораси раҳбарига депутат Раҳима Машарипова томонидан аҳолини электр энергияси билан таъминлашдаги камчиликларга чек қўйиш, жумладан, огоҳлантиришсиз узиб қўйишларни бартараф

этиш юзасидан депутатлик сўрови юборилди. Натижада ушбу тизимда йўл қўйилаётган аксарият муаммолар ижобий ҳал қилинди.

Биз Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини жиддий қўғиштириш чораларини кўраёلمиз. Ҳозирда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партиямиз гуруҳи томонидан вилоятимизда аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатишнинг бугунги ҳолати ҳамда уни янада яхшилаш бўйича қўғишлар керак бўлган қўғишмча чора-тадбирлар ўрганилмоқда. Жамоатчилик қабулхоналаримизга тушган мурожаатлар таҳлил этилган, партиямиз гуруҳи ушбу масалани ўрганиб, лозим бўлса, сессияга киритишга қарор қилди.

Шунингдек, вилоятда аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатиш билан боғлиқ қатор масалалар кўриб чиқилди. Жум-

ладан, автобусларда йўловчи ташиш масаласи. Маълум бўлишича, айрим ҳолларда ҳайдовчилар кимўзарга автобусларни бошқариши, белгиланган бекатларда тўхтамай, йўловчининг илтимосига биноан тўғри келган жойда ташлаб кетиши кузатилмоқда. Бу йўллардаги транспорт воситаларининг тартибли ҳаракатига салбий таъсир этиб, йўловчиларнинг ҳаётига хавф туғдирмоқда. Шунинг учун бундай ноқонуний ҳолатларга чек қўйиш бўйича таклифлар тайёрланмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 14-, 141-моддаларига асосан партиямиз гуруҳи вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига «Вилоят аҳолисига автотранспорт хизмати кўрсатишнинг бугунги ҳолати ва уни янада яхшилашнинг қўғишмча чора-тадбирлари тўғрисида»ги масалани киритишни, сессияда мазкур соҳага масъул бўлган Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Хоразм вилоят ҳудудий бўлими раҳбарининг ҳисоботини тинглашни таклиф этиб, мутасадди ташкилотларга расмий хат билан мурожаат қилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, аҳоли, электорат вакиллари қулайлик яратиш мақсадида жойларда кўча Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти ҳам изчил йўлга қўйилган. Вилоятнинг Гурлан, Богот, Жива туманлари ва Урганч шаҳрида Жамоатчилик қабулхоналари фаол ишламоқда.

Аммо яқинда Шовот, Янгибозор туман партия кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти танқид қилиниб, унинг самарадорлигини ошириш масалаларига жиддий эътибор қаратилди.

Жамоатчилик қабулхоналарининг имкониятларидан ўлиқ фойдаланиш бўйича ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Хусусан, чекка қишлоқ ҳудудларида кўча Жамоатчилик қабулхоналарини доимий ташкил қилишимиз, энг муҳими, мурожаатларга ечим топиб, одамларнинг депутатлар ва партиямизга ишончини оширишимиз зарур.

Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини такомиллаштириш учун мурожаатларни электрон шаклда ҳам қабул қилишни йўлга қўйиш, бу борада тарғибот ишларини янада кучайтиришимиз зарур, деб ўйлайман. Чунки қанча кўп одам Жамоатчилик қабулхонаси ҳақида билса, муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беришимизга ишонса, партиямизнинг нафақат обрўси, балки таъсир кучи ҳам ошиб боради. Яқин кунларда вилоят кенгашининг махсус интернет сайтида Жамоатчилик қабулхонасини ишга туширишни ният қилганмиз.

■ ЎЗХДП ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда? Бу борадаги ютуқлар, камчиликлар нималардан иборат? Ушбу масалада қандай таклифларингиз бор?

Мазкур саволларга ЎЗХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Олим Равшановнинг жавобларини кутамиз.

Бу ҳақдаги мақола газетамизнинг жорий йил 23 апрель сонидида чоп этиш режалаштирилган.

Эътироф

Ўзбекистонда биринчи маротаба бундан қарийб 20 йил олдин бўлган эдим. Ўшанда Ўзбекистон халқи, унинг маданияти ва тарихи менда унутилмас таассуротлар қолдирганди.


Ишончим комилки, юртингизда яқинда бўлиб ўтган Президент сайлови мамлакатингиз келажаги учун муҳим аҳамиятга эга. Сайлов жараёнлари мониторинги учун бутун дунёдан кўп сонли халқаро кузатувчиларнинг таклиф этилгани ҳам Ўзбекистоннинг демократик тараққиёт ҳамда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тамойилларига содиқ эканлигини тасдиқлайди.

Виллем Хаасма,
Нидерландиянинг Дренте
провинциясидаги экспорт клуби
президенти, «Alytrade»
компаниясининг бош директори.

Давлат
ҳокимияти барча
идораларининг
аҳоли манзилли
ижтимоий ҳимоя-
сини таъминлаш
бўйича энг муҳим
вазифаси —
меҳнатга лаёқатли
одамларни ишга
жойлаштириш,
аввало, ёшлар
учун янги иш
ўринлари ташкил
этишдан иборат
бўлиши лозим.

Ўзбекистон Халқ
демократик партияси
Сайловолди дастуридан

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:



Аҳолига сифатли коммунал
хизмат кўрсатилиши —
муҳим масала



■ Кексаларни эъзозлаш йилида
нуронийлар учун қандай
имтиёзлар яратилмоқда?

ЎЗБЕКИСТОН ТИНЧЛИГИ ЙЎЛИДА

бутун халқимиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиши лозим



Феруза
ЭШМАТОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси
депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:



Барно САНАКУЛОВА,
иқтисод фанлари номзоди,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
эксперти:



Акрам АКБАРОВ,
халқ депутатлари
Қашқадарё вилоят
Кенгашидаги ЎзХДП
гурухи аъзоси:

— Президентимиз нутқини эшитиб, биз депутатлар зиммасида ҳам қанчалик долзарб вазифалар турганини, қандай муҳим ишларни амалга оширишимиз лозимлигини янада чуқур ҳис этдим. Биз танлаган ва «Ўзбек модели» деб ном олган ривожланиш йўли — бу Ўзбекистон халқининг энг катта ютуғи, десам муболаға бўлмайди. Дунёнинг аксарият мамлакатларида ҳамон давом этаётган молиявий инқироз, иқтисодий кескинликлар, ноҳуш воқеалардан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсак, биз нақадар тўғри йўлдан кетаётганимизга яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

«Ўзбек модели»нинг асосий моҳияти миллий-инновацион иқтисодиётни яратиш, миллий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, иқтисодиётнинг ҳар бир йўналишида имкон даражада ташқи бозорга қарамликни чеклаш ва уларнинг таъсир доирасини камайтириш ҳисобланади. Бу соҳада амалга оширилган ислохотлар дунё ҳамжамиятида давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг кескинлашуви жараёнида энг тўғри йўл эканини кўрсатиб турибди.

Бу эса мамлакатимиз раҳбарининг келажакда юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни олдиндан ҳам илмий, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан кўра олганлигини англатади. 2008 йилда бошланиб, бутун дунё иқтисодиётини ўз домига тортиган молиявий-иқтисодий инқирознинг Ўзбекистон иқтисодиётига сезиларли таъсир этмагани, аксинча, миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг янги йўналишлари очилганлигини бугун нафақат биз, балки, бутун дунё мутахассис-экспертлари эътироф этмоқда.

— Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида муҳим масала сифатида корпоратив ёки акциядорлик бирлашмалари фаолиятига хорижий фирма ва компанияларга тажрибасини олиб кириш, Ўзбекистонда маҳаллий акциядорлар билан бирга, чет эллик инвесторларнинг ҳам акцияларга эга бўлишига шароит яратиш лозимлигини таъкидлади.

Савол туғилади, нега айнан бугун ушбу масала кун тартибига чиқди? Амалга оширилган иқтисодий, сиёсий, иқтисодий ислохотларни таҳлил қиладиган бўлсак, дарҳақиқат бугун биз янгилликка, янгича ёндашувга ҳам маънавий, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан тайёرمиз. Чунки, бу соҳада босқинча-босқин ислохотлар амалга оширилиб, юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳуқуқий-иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай амалиётга жорий этиладиган янгича ёндашув тезда ўзининг самарасини бермаслиги, инновациялар жорий этилишининг биринчи босқичларида иқтисодий танглик кузатилиши мумкинлигини инобатга олсак, бундай ҳолатга факат мустаҳкам пойдевор бўлган дагина дош бериб, инновацион даврнинг фойда босқинига етиб келиниши ҳамда ривожланишга эришиш мумкин бўлади.

Бугунги кунда акциядорлик жамиятлари бошқарувида янгича ёндашувга зарурият сезилаётгани уларнинг жаҳон бозорларига ўз маҳсулотлари билан чиқиш жараёнида аёқол кўринмоқда. Бизнингча, акциядорлик жамиятлари бугунги кунда ривожланган хорижий компанияларда кенг қўлланилиб келинаётган молиявий ва солиқ менежменти

тадбирларидан кенг фойдаланиши, хусусан, солиқларни режалаштириш ва молиявий режалаштиришларни амалга ошириш орқали ўз фаолиятини қайта кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Айни пайтда уларга нисбатан амалдаги қонунчилик ҳам шуни таъкидлаётган бўлиб, нисбатан самарали бўлган ривожланишнинг «маҳсус стратегия» схемаларидан фойдаланишни талаб этмоқда. Бизнингча, маҳаллий акциядорлар билан бирга, чет эллик инвесторларнинг ҳам акцияларга эга бўлиши мулкчилик муносабатларини ривожлантиришдан ташқари, компаниялар бошқарув тизими ҳам янгича ёндашуви, бошқаруving инновацион усуллари нисбатан тезроқ ва арзонроқ жорий этишга замин яратади.

Чунки, хорижий инвесторлар инвестициянинг ҳар бир сўми кейинги бир сўмнинг туғилишига олиб келмаса, бу фаолият билан шуғулланиш мақсадсиз сарф сифатида қараш тезисига амал қилади. Демак, хорижий инвесторнинг иштироки маҳаллий компанияда ҳар бир сўмнинг туғилиши нозорат қилинишига, ишлаб чиқариш жараёнидаги барча сарф-харажатларнинг асосли бўлиш таъминоти амал қилинишига, ишлаб чиқариш жараёнида максимал фойдаланишга эришилишига, маҳсулотлар таннархини турли янги усуллар орқали камайтириб бориш сиёсатига амал қилинишининг муҳим воситаси ҳисобланади.

Президентимиз айнан шу ҳолатларни кўра билган ҳолда, мазкур масалани кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифа сифатида илгари сурмоқда.

— Президентимиз нутқида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, ҳаётимизни янада яхшилашга қаратилган қатор долзарб масалалар ўртага ташланди. Қачон давлат тараққиёти этади, халқ тўқ яшайди, маъмурилик бўлади, энг аввало, тинчлик бўлса. Бугун барча соҳаларда эришяётган ютуқларимиз, қўлга киритаётган марраларимиз замирида тинчлик-осойишталик мужассамлашган. Буни бугун барчамиз янада чуқурроқ англаймиз.

Албатта, тинчлик бўлмаган, одамлар эркин нафас олмаган жамият ҳеч қачон ривожланмайди, аҳоли кўркув ва хавотирда яшайди. Тинч-тотув юртдагина бунёдкорлик бўлади, оламшумул ютуқларга эришилади.

Мустақиллик йилларида нафақат пойтахтимиз, балки, вилоят марказлари ва туманларимиз ҳам бутунлай янгидан бунёд этилди. Таъбир жоиз бўлса, бутун мамлакат қайтадан қурилди. Бугун юртимиз гўшаларини таниб бўлмайди, қишлоқларимиз қиёфаси эса бутунлай ўзгариб кетди. Бунинг биринга Қашқадарё вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бунинг асосий омил нима? Биринчидан, юртимиздаги тинчлик, иккинчидан халқимизнинг ҳамжи-

ҳатлиги, яқдиллиги, деб ўйлайман.

Юртимиздаги тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, ёшларимизни янги марралар сари сафарбар этиш, юксак чўққилар томон руҳлантириш долзарб аҳамиятга эгадир. Бу борада оила ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш зарур.

Афсус ва надоматлар бўлсинки, ёшларимиз орасида узокни кўра олмайди-кан, айрим ёт фоялар, қарашлар таъсирига берилиб кетаётганлари ҳам учраб турибди. Агар оилада, маҳаллада соғлом муҳит қарор топса, одамлар бири билан хабардор, кексалар ёшларга ибрат бўлса, болалар билимли, дунёқараш кенг бўлиб улғаяди.

Бугун биз юртимиз тинчилигига раҳна солиши мумкин бўлган барча катта-кичик таҳдидларга, иллатларга қарши мurosасиз курашшимиз керак. Ўзбекистон тинчилиги, эл фаровонлиги, мамлакатимиз тараққиёти йўлида бутун халқимиз бир ёқадан бош чиқариши лозим.

Президентимиз билдирган фикрлар, ўртага ташлаган мулоҳазалардан ҳар биримиз тўғри хулоса чиқариб олишимиз, фарзандларимизнинг ёруғ келажиги масъулиятини чуқур ҳис этишимиз, зиммामиздаги вазифаларни сидқидилдан адо этишимиз керак бўлади.

■ ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ



Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган сурат.

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРAT

ишлаб чиқарувчига ҳам, истеъмолчига ҳам қўлайлик яратади

■ Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида депутатлар, мутасадди ташкилотлар мутахассислари иштирокида бир нечта қонун лойиҳалари, хусусан, «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси кўриб чиқилди.

Алоҳида қайд этилдики, қонун лойиҳасининг муҳим хусусиятларидан бири электрон шартномаларни расмийлаштириш ва ижро этиш жараёнидаги энгиллаштиришдан иборатдир.

Фракция аъзоларининг фикрича, қонун лойиҳасида электрон тижорат истиқболли билан бирга, ахборот соҳаси ривожланиши масаласи ҳам эътиборга олинган. Жумладан, унда телекоммуникация тизими операторлари, банк, электрон танлов, аукцион ва ярмаркалар ташкил этиш билан шуғулланувчи юридик шахслар фаолиятининг истиқболлига оид меъёрлар ўз аксини топмоқда. Шу билан бирга, қонун лойиҳасида тижоратни электрон тирмоқлар орқали олиб бориш жараёнида ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи, қардор ва истеъмолчилар, умуман олганда, барча иштирокчилар-

нинг иш ҳақи, пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларни ўз вақтида олиш бўйича имкониятлари кенгайтирилади. Қонун лойиҳасини кўриб чиқишда фракциямиз бу масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Йиғилишда янги таҳрирдаги «Ветеринария тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Фракция аъзоси Зулайхо Акрамованинг қайд этишича, қонун лойиҳасида ветеринария барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган бир қатор янги моддалар кўзда тутилган. Жумладан, ҳайвонот оламига мансуб озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ҳамда хавфсизлигини таъминлашдаги давлат ветеринария назоратининг аҳамияти ва таъминоти, жавобгарлигининг ҳуқуқий жиҳатлари очиб берилмоқда. Партиямиз Сайловолди

Партиямиз Сайловолди дастурида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, бунда аҳолига ҳар томонлама қўлай шароитлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

■ ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАДБИР

Ишли одамнинг ҳаётга ишончи мустаҳкам бўлади



■ «Мен Сирдарё туманида истиқомат қиламан. Бу йил касб-хунар коллежини тамомлайман. Ўқини битиргач, тикувчилик билан шуғулланиш, ўз ишимни йўлга қўйиш ниятида ҳоланг эдим. Ишни нимадан бошлашни узок ўйладим. Чунки маблагга эҳтиёжм бор эди... ЎзХДП томонидан иқтисодий форум ўтказилишини эшитиб қолдим ва бизнес режа тайёрлаб, унда ўз лойиҳам билан иштирок этдим. Натижада «Микрокредитбанк» АТБнинг 3,5 миллион сўм имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатига эга бўлдим. Бундан жуда ҳам хурсандман. Чунки энди бемалол иш бошлайман. Келажакда фаолиятимни кенгайтириб, коллежаларни тамомлайдиган ёшларни иш билан таъминлашни мақсад қилдим».

Бу ЎзХДП Марказий Кенгаши АТБ ва Хотин қизлар кўмитаси билан Сирдарё вилоятида ташкил этилган амалий семинар иштирокчиси Нодира Саидзаминнинг фикрлари. Вилоятнинг бир нечта туманларида партиянинг «Микрокредит-

банк» АТБ ва Хотин қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда бўлиб ўтган тадбирларда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзолари, экспертлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия

фаоллари, тижорат банклари ходимлари ва бир гуруҳ мутахассислар иштирок этишди. Семинарда қайд этилганидек, жамият тараққиёти, фаровонлиги кўп жиҳатдан аҳоли бандлиги, фуқароларнинг доимий иш ўрнига эгаллиги билан белгиланади. Меҳнат қилиш ҳам ҳуқуқ, ҳам бурчдир. Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисmini ёшлар ташкил этиши маълум. Шунинг учун бандлик масаласи жуда долзарбдир. Ҳар йили минглаб йигит-қизлар касб-хунар коллежаларини, олий ўқув юр்தларини битиради, янги иш ўринлари ташкил этилишига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бораверади.

Шундан келиб чиқиб, ЎзХДП бу борадаги вазифаларни амалга

оширишда фаол иштирок этишга, ташаббускор фуқароларни қўллаб-қувватлашга, уларнинг иқтисодий-ҳуқуқий соҳадаги билимини оширишга алоҳида эътибор қаратапти. Давлат ва жамият томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари хоҳиш-истаклари ўрганилиб, шу асосда қатор ташаббуслар илгари сурилмоқда. Сирдарё вилоятидаги тадбир ҳам шу мақсадда ташкил этилди.

— Партиямиз меҳнатга лаёқатли аҳолининг, айниқса, ёшларнинг барқарор ва муносиб ҳаёт тўладиган иш топишга интилишини қўллаб-қувватлайди, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Ёшларнинг таълими олиши, касб танлаши учун тўлақонли шарт-шароит яратишга қўмаклашиш дастурий мақсадларимиз ижросига хизмат қилади. Шунинг учун ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини битираётган йигит-қизларни кафолатланган биринчи иш ўринлари билан таъминлашга эътибор қаратялмиз. Чунки ёшларимиз доимий иш билан банд бўлса, улар боқимандалик қайфиятга берилмайди, турли кўнгилсиз ҳолатларнинг олди олинади. Асосийси, уларда яшашга иштиёқ ва эртанги кунга умид, ишонч ортади.

Айтиш керакки, ЎзХДП томонидан 2011-2013 йиллар мобайлида ўтказилган ижтимоий-иқтисодий форумлар доирасида минглаб ташаббускор ёшлар мустақил фаолият бошлашга эришди. Шунингдек, ўтказилган ўқув семинарлар, амалий анжуманлар, машғулотлар ва маҳорат сабоқлари йигит-қизларнинг иқтисодий билимини ошириш, салоҳиятини юзага чиқаришда муҳим омил бўлди. Шу боис бу йўналишдаги тадбир-

ларни изчил йўлга қўйишга ҳаракат қилаялмиз.

— Жорий йилда партиямиз Марказий Кенгаши томонидан тижорат банклари ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан вилоятимизда бир қанча семинарлар ўтказилиши режалаштирилган. Бугунги тадбир ҳам шу режага мувофиқ ташкил этилди, — дейди ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси Алишер Тошматов. — Тадбирга тайёргарлик жараёнида ҳамкор ташкилотлар кўмагида партиямиз электроти вакиллари лойиҳалари ўрганилди. Фақатгина Сирдарё ва Бобўт туманлари бўйича ўтказилган тадбирларимизда касб-хунар коллежалари битирувчилари бўлган ёшлар томонидан тақдим этилган лойиҳалардан 20 таси истиқболли деб топилди ва уларга «Микрокредитбанк»нинг имтиёзли микрокредитларини олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлари топширилди. Бу лойиҳанинг дастлабки натижалари, холос. Йил давомида уни янада кенг миқёсда амалга оширамиз. Ўйлаймани, йил охирига бориб, қўллаб-битаирувчилар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашга, уларнинг орзу-ниятларини рўёбга чиқаришга яқиндан қўмаклашамиз.

Шунингдек, семинарда 10 нафар хотин-қиз 3,5 миллион сўмдан имтиёзли кредит ажратилиши тўғрисидаги сертификатларга эга бўлди.

Тадбир давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия фаоллари иштирокида кўча Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилди. Мурожаатларни ижобий ҳал қилиш бўйича чоратадбирлар белгилаб олинди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА



■ ДЕПУТАТ ҚАЙСИДИР МАСАЛАДА МУТАСАДДИ ТАШКИЛОТЛАРГА СЎРОВ ЮБОРИШ, ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ ЎРНАТИШ, АНИҚЛАНГАН МУАММОНИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА КЎРИБ ЧИҚИШ УЧУН ТАКЛИФ КИРИТИШ ҲУҚУҚЛАРИГА ЭГА.



■ СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ ОДАМЛАРГА ЭНГ ЯҚИН БЎЎНИ БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТ ҲИСОБЛАНАДИ. У МУАЙЯН ҲУДУДДАГИ МАҲАЛЛА, ҚИШЛОҚ, ҚОРҲОНА ЁКИ ТАШКИЛОТНИ ҚАМРАБ ОЛАДИ.



Кучлилар сараланмоқда



■ Мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2015» республика спорт мусобақалари дастуридан жой олган футбол, волейбол, бокс бўйича минтақавий босқич баҳслари бошланди.

Миллионлар ўйини — футбол мусобақалари Гулистон шаҳрида уюштирилмоқда. Қуръага кўра, ўн тўртта терма жамоа тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда шу йилнинг май ойида Урганчда ўтказиладиган «Умид ниҳоллари — 2015» республика спорт мусобақалари финал босқичига бериладиган тўртта йўлланма учун кураш олиб борапти.

— Ҳар бир ўйин шиддатли ва муросасиз кечмоқда, — дейди минтақавий босқич ташкилий гуруҳ раҳбари Билал Аъзамов. — Мусобақа низомига кўра, ҳар бир гуруҳнинг етакчи икки жамоаси «плей-офф» баҳсларига йўлланма олади. Чорак финалда ғалаба қозongan энг кучли тўрт жамоа эса «Умид ниҳоллари — 2015»

республика спорт мусобақалари финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Дастлабки натижалар билан танишинг: «А» гуруҳи. Самарқанд — Жиззах — 3:0, Жиззах — Бухоро — 1:3. «В» гуруҳи. Тошкент вилояти — Фарғона — 2:8, Тошкент шаҳри — Андижон — 5:0. «С» гуруҳи. Сурхондарё — Қашқадарё — 0:2, Хоразм — Қашқадарё — 0:3. «Д» гуруҳи. Сирдарё — Навоий — 0:0, Қорақалпоғистон — 2:1.

Шунингдек, айна пайтда Самарқандда волейбол бўйича қизлар ва ўсмирлар ўртасида, Чирчиқ шаҳрида эса бокс бўйича минтақавий баҳслар давом этмоқда.

Эркин ХОЛБОБОВ

Мақсадимиз — биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун курашни давом эттиришдан иборат. Биз гуруҳда етакчи ҳисобланамиз ва бу вазифани бажара оламиз.

СПОРТ

ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ САРАЛАШ УЧРАШУВЛАРИНИ «Н» ГУРУҲИДА БОШЛАЙДИ



■ Кун кеча Куала-Лумпур (Малайзия)да футбол бўйича 2018 йили Россияда бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионати Осиё минтақаси гуруҳ босқичи саралаш учрашувларига қуръа ташланди. Унга кўра, қитъамиздаги қирқ давлат терма жамоалари бештадан саккиз гуруҳга бўлиниб баҳсларини бошлашади.

Қуръа натижаларига мувофиқ, Миржалол Қосимов бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси мусобақанинг «Н» гуруҳидан жой олди. Кейинги босқичга бериладиган йўлланма учун ҳамюртларимиз Бахрайн, Филиппин, КХДР ҳамда Яман футболчилари билан уй-сафар тизимида ўтадиган учрашувларда ўзаро куч синашади.

Гуруҳнинг дастлабки тур учрашувлари шу йилнинг 11 июнида бошланади, Филиппин — Бахрайн, Яман — КХДР терма жамоалари майдонга тушади. Ўзбекистон футболчилари эса иккинчи турдан баҳсларга киришади. 16 июнда ҳамюртларимиз илк ўйинни сафарда КХДР терма жамоасига қарши ўтказиши. Ушбу турнинг иккинчи учрашувидан эса Яман — Филиппин вакиллари ўзаро рўбарў келади.

— Қуръадан кўнглим тўлди, — деди миллий терма жамоамиз бош мураббийи Миржалол Қосимов журналистларга берган интервьюсида. — Бизнинг гуруҳимизда куч жихатдан тенг жамоалар йиғилган. Мақсадимиз — биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун курашни давом эттиришдан иборат. Биз гуруҳда етакчи ҳисобланамиз ва бу вазифани бажара оламиз. Рақибларимизни бирдек ҳурмат қиламиз.

Бахрайн — кучли ва бизга яхши таниш жамоалардан бири. Бу терма жа-

моанинг имкониятларини, тахминан қандай услубда ўйнашини биламиз. Чунки улар билан бир неча марта учрашув ўтказганимиз. КХДР футболчилари билан ҳам куч синашган эдик. Уларга қарши ўйнаш осон эмас, аммо Осиё кубогига КХДР терма жамоасини мағлуб эта олдик. Филиппин ва Яман терма жамоалари ҳақида ҳеч нарса дея олмайман, чунки Филиппин билан бирор марта ўйнамаганимиз, Яман билан эса 90-йилларда бор-ўйги икки марта тўқнаш келганимиз.

Биринчи учрашув доимо қийин бўлади. Аммо ҳар қандай мусобақани ғалаба билан бошлаш жуда муҳим. Жамоамиз жуда аҳил ва иқтидорли футболчилардан ташкил топган. Биринчи ўйинда 3 очко олишга кучимиз етади, албатта.

Гуруҳлар билан танишинг:

«А» гуруҳи: БАА, Саудия Арабистони, Фаластин, Шарқий Тимор, Малайзия
«В» гуруҳи: Австралия, Иордания, Тожикистон, Қирғизистон, Бангладеш
«С» гуруҳи: Хитой, Қатар, Мальдив ороллари, Бутан, Гонконг
«Д» гуруҳи: Эрон, Уммон, Хиндистон, Туркменистон, Гуам
«Е» гуруҳи: Япония, Сурия, Афғонистон, Сингапур, Камбоджа
«Ф» гуруҳи: Ироқ, Вьетнам, Таиланд, Индонезия, Хитой Тайпейи
«Г» гуруҳи: Жанубий Корея, Кувейт, Ливан, Мьянма, Лаос
«Н» гуруҳи: ЎЗБЕКИСТОН, Бахрайн, Филиппин, КХДР, Яман.

Мусобақа низомига кўра, барча гуруҳ ғолиблари ва тўртта энг яхши кўрсаткич қайд этган иккинчи ўрин соҳибни тўғридан-тўғри 2019 йили бўладиган Осиё чемпионати ҳамда 2018 йили ўтказиладиган жаҳон чемпионати саралаш босқичининг ҳал қилувчи даврасига йўл олади.



Хасан ПИРМУХАМЕДОВ олган суратлар.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!



БМТ МАЪЛУМОТЛАРИГА КўРА, ҲАР КУНИ ЎРТАЧА 250 000 НАФАР ЧАҚАЛОҚ ТУҒИЛАДИ. БУ СОНИЯСИГА 3 НАФАР БОЛА ДЕГАНИ.



ЕР ЮЗИНИНГ ЯРИМ АҲОЛИСИ ҚОРНИ ДЕЯРЛИ КўРМАГАН. УЛАР ҚОРНИ ФАҚАТГИНА ФОТОСУРАТЛАР ОРҚАЛИ БИЛИШАДИ.



ЙИРИК ШАҲАРЛАР АҲОЛИСИ УМРИНИНГ ТАХМИНАН 6 ОЙИНИ СВЕТОФОРНИНГ ЯШИЛ ЧИРОФИНИ КУТИШ БИЛАН ЎТКАЗАДИ.



БУРУН БЎШЛИГИ МЕЪБЕРИДАН КИЧИК БЎЛСА ШАМОЛЛАШГА ЧАЛИНИШ ЭҲТИМОЛИ ОРТАДИ. АКЦИНЧА КАТТА БЎЛСА, ҲАВО-ТОМЧИ ОРҚАЛИ КЕЛИБ ТУШУВЧИ ЧАНГ ВА БАКТЕРИЯЛАРНИ ТЎСУВЧИ ТАБИИЙ «ДЕВОР» ВАЗИФАСИНИ ЯХШИ ЎТАЙДИ. БУНДАЙ КИШИЛАР НАФАС ОЛГАНДА БУРНИ КИЧИКЛАРГА НИСБАТАН ЗАРАРЛИ МОДДАЛАРНИ 7 ФОИЗ КАМРОҚ «СЎРИШАДИ».

■ Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасидаги тўрттинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Пойтахтимизда «Локомотив» — «Бунёдор» ўртасидаги ўйинда кутилмаган натижа қайд этилди. Унда темирўлчилар рақиблари дарвозасига жавобсиз учта тўп йўллашди — 3:0. Темурулжа Абдулоҳиқов (46, пенальти), Жасур Ҳасанов (54) ҳамда Руслан Корян (88)лар киритган тўпларга «Бунёдор» футболчилари жавоб қайтара олишмади.

«ЛОКОМОТИВ» — 3
«БУНЁДКОР» — 0

Муҳлислар Бекбодда яна бир кизикarli баҳсга гувоҳ бўлдилар. «Металлург» — «Нефчи» жамоалари ўртасидаги мазкур ўйинда Аббосбек Махсумалиев киритган ягона гол фароналикларга муҳим очкони тақдим этди — 0:1.

Турнинг қолган учрашувлари натижалари: «Кўк»-1912 — «Андижон» — 0:0, «Навбахор» — «Сўғдиёна» — 1:0, «Машъал» — «Олмалик» — 3:1, «Қизилқум» — «Пахтакор» — 0:2, «Бухоро» — «Насаф» — 0:2, «Шўртан» — «Динамо» — 1:0.

Бешинчи тур ўйинлари 16 — 18 апрель кунлари ўтказилади.

Самандар БОБОРАЖАБОВ, ЎЗДЖТУ талабаси

4-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

	Ю	Д	М	Т	Н	О
«Насаф»	3	0	1	8-3	9	
«Машъал»	3	0	1	7-2	9	
«Локомотив»	2	2	0	7-2	8	
«Нефчи»	2	2	0	4-2	8	
«Пахтакор»	2	1	0	6-2	7	
«Шўртан»	2	1	0	5-1	7	
«Олмалик»	2	1	1	7-6	7	
«Бунёдор»	2	0	1	4-3	6	
«Металлург»	1	2	1	3-3	5	
«Қизилқум»	1	1	2	6-7	4	
«Навбахор»	1	1	2	3-5	4	
«Кўк»-1912	1	1	1	1-3	4	
«Динамо»	0	2	2	3-5	2	
«Андижон»	0	1	3	3-8	1	
«Бухоро»	0	1	3	2-8	1	
«Сўғдиёна»	0	0	4	2-11	0	

ЭЪЛОН

Бухоро вилояти, «Кўприксо» ишлаб чиқариш ширкати «Ўзбекистон овози» газетасининг 2015 йил 9 апрель, 41 (31944)-сонидан чоп этилган «Кўприксо» ишлаб чиқариш ширкати таъсисчиларининг 2014 йил якуни бўйича йилгилиши 2015 йил 22 май кунини Бухоро вилояти, Когон шаҳри, Амир Темури кўчаси, 50-уйда бўлиб ўтишини маълум қилади.

ТАДБИР

Давлат ёнғин назоратининг энг яхши инспектори

Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасида Давлат ёнғин назорати органлари ходимларининг иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари, айниқса, аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, уларни муҳофаза қилиш борасидаги ишларини янада яхшилаш мақсадида «Давлат ёнғин назоратининг энг яхши инспектори» кўрик-танловининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, барча вилоятлар ИИБ, Тошкент шаҳри ИИББ ва Навоий кон-металлургия комбинати Ёнғин хавфсизлиги бошқармаларида кўрик-танловнинг биринчи босқичида ғолибликни қўлга киритган инспекторлар, яъни вилоят миқёсида аниқланган «Давлат ёнғин назоратининг энг яхши инспектори», деб топилган ходимлар иштирок этди. Кўрик-танлов шартларига кўра, инспекторлар Тошкент шаҳри

Миробод туманида жойлашган «Pallada Investment» шўба корхонасида (ишлаб чиқариш объекти) ўқув ёнғин-техник текширувини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида асосли тавсиялар бериш ва тегишли ҳужжатлар тузиш борасида ўзаро беллашувлар ҳамда махсус тузилган тест сано саволлари асосида ўзларининг касбий маҳоратларини, билимларини намойиш этидилар.

Кўрик-танловнинг Республика

босқичи якунига кўра, «Давлат ёнғин назоратининг энг яхши инспектори», деб Сирдарё вилояти Ховос тумани ИИБ ЁХБ инспектори сержант Нурали Алиев топилди ва унга Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХБнинг Фахрий ёрлиғи топширилди.

Кўрик-танлов шартларини тўлиқ бажариб, барча йўналишларда яхши кўрсаткичларга эришганини учун фахрли иккинчи ўринга Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори сержант Дилшод Умаров сазовор бўлди. Учинчи ўрин ғолиблари деб Бухоро вилояти Фиждудон тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори сержант Илҳомжон Нўмонов ва Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ИИБ ЁХБ инспектори сержант Фазлиддин Ахмедовлар топилди.

Равшан ШОДИЕВ

РЕКЛАМА

ООО «KRANTAS»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

АВТОЦИСТЕРНЫ-БЕНЗОВОЗЫ (МАСЛОВОЗ, НЕФТЕВОЗ) НА ШАССИ «ISUZU» ИЛИ «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³, 10м³, 12м³ И 16м³

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

АВТОЦИСТЕРНА ДЛЯ ПЕРЕВОЗКИ ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ НА ШАССИ «ISUZU», «MAN» 4м³, 8м³, 10м³, 12м³

АВТОГУДРОНАТОР НА ШАССИ «MAN» ИЛИ «ISUZU» 6 м³, 8 м³, 12 м³

КОМБИНИРОВАННАЯ ПОЛИВОМОЕЧНАЯ МАШИНА НА ШАССИ «ISUZU» ИЛИ «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³ И 12м³

ВАХТОВЫЙ АВТОБУС НА ШАССИ «КАМАЗ» ИЛИ «MAN» (4x4) ИЛИ (6x6) 18-24 ЧЕЛОВЕК

АВТОЦИСТЕРНА-КИСЛОТОВОЗ НА ШАССИ «ISUZU» ИЛИ «MAN» 6м³ ИЛИ 10м³

Телефоны: (0-371) 262-97-78; факс: (0-371) 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 315-99-17 www.krantas.uz, email: krantas@inbox.ru ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.
Korxonamanzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 459
18 272
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.05
Topshirilgan vaqti — 23.20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

7720107633000

1 2 3 4 5 6